


Богдоднинг кулаши - Богдод қўлга олингандан сўнг (2-кисм)

Муаллиф:

13.12.2017 10:39 -



Богдоднинг кулаши

Муаллиф: Мухаммад Султанов

Богдод қўлга олингандан сўнг

2-кисм

Муаллиф:

13.12.2017 10:39 -

Ибн Ал-Алкомийнинг ўлимидан сўнг мўгуллар ўрнига ўглини тайинлашди. Ўгил отасининг хоинлигини давом эттирди ва бу амал унга ҳам ёмонлик олиб келди, холос. Тез орада хижрий 656 йили ибн Ал-Алкомийнинг ўгли ҳам вафот этди. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Хакикатдан ҳам, ким-ки дунё амалларига меҳр берса, Аллохнинг қахридан кочиб кутула олмайди ва бу дунёда йиккан нарсалари унинг ўзини халокатга учратади. Халифа охиригача шунга интилган ва бу уни халок қилган. Биринчи вазир ибн Ал-Алкомий ҳам шундай қилди ва амалига яраша жазо олди. Бу жазо бутун Богдод ахлига бўлди деса ҳам бўлаверади. Бу хақида Пайгамбаримизнинг соллаллоху алайхи васаллам сўзларини мисол қилиб келтириш мумкин. Амр ибн Авф розияллоху анхудан келган ҳадисда:

«... Аллохга касамки, мен сизларга фақирлик етишидан кўркмайман, балки дунё сиздан аввалгиларга кенг қилинганидек, сизларга ҳам кенг қилинишидан, натижада улар кимўзар ўйнаганидек, сизлар ҳам кимўзар ўйнашингиздан ва у уларни халок қилганидек, сизларни ҳам халок қилишидан кўркаман»

Богдоднинг фатх қилинганлиги хақидаги ҳабар тез орада мусулмонлар орасида, кейин эса бутун дунёга таркади. Мусулмонлар учун бир неча асрлар давомида энг қудратли бўлиб келган Аббосийлар халифалигининг кулаши сўз билан тарифлаб бўлмайдиган даражадаги каттик зарба эди. Богдод оддий мусулмонлар шахри бўлмаган... Дунёнинг энг катта, уч миллион мусулмон яшовчи, энг олди маданий, илмий марказлари жойлашган шахри ҳамда мусулмон халифалигининг пойтахти ҳам эди. Богдоднинг кулашидан кейин нима бўлади? Мусулмонлар ўзларига бу саволни беришар эди. Халифанинг ўлдирилиши ва янги халифа йўқлигидан нимани кутиш мумкин? Бу мусулмонлар томонидан бериладиган биринчи саволдан ҳам дахшатлироқ иккинчи савол эди. Халифасиз ва халифаликсиз мусулмонлар учун бутун дунёнинг ҳеч қандай кадри бўлмаган. Аббосийлар халифалиги қудрати пасайганлигига қарамай, ҳокимияти фақат Богдод ва Ирокнинг кичик ҳудудларига тарқалишига қарамай, халифалик мусулмонлар учун жуда катта аҳамиятга эга эди. Шу тўғриси халифанинг ўлдирилиши ва халифаликнинг кулаши мусулмонлар учун улкан офат бўлган. Бу саволлардан ташқари Богдод фатхидан сўнг мусулмонлар орасида қўплаб миш-мишлар тарқаб бўлиб, айримлар фақат шу хақида гапирган. Хар даврда бўлганидек, миш-мишлар қанчалик гаройиб бўлса, унга шунча қўп одамлар ишонади. Энг қўп муҳокама қилинган миш-мишлардан бири – бу мўгуллар босқини ва халифаликнинг кулаши охирагининг яқинлашганлиги хақидаги аломатдир деган гап эди. Богдод қулагач, мусулмон оламининг ахволи шундай бўлган. Христиан оламига келсак, уларнинг барчаси халифаликнинг қулаганидан жуда хурсанд эдилар, чунки бир неча асрлар давомида халифалик уларнинг Яқин Шарқдаги фатхларига қарши турар эди. Хижрий еттинчи асрда дунёда учта қудратли қуч бўлган: ислом дунёси, христиан давлатлари ва мўгуллар. Маълум воқеаларга қараганда мусулмонлар ва насронийлар орасида узок давр урушлар давом этган. Мўгуллар томонидан берилган бу зарба ушбу қарама-қаршиликда мусулмонларнинг ахволини анча оғирлаштиради. Шунинг учун христианларда Миср ва Шомга яна ўз қўриқларини тақдорлаш хоҳиши уйғонади.

Муаллиф:

13.12.2017 10:39 -

Христианларнинг қувониши учун яна бир сабаб уларнинг ҳам Богдод фатҳида катнашганлигидир. Арманистон патриархи Хулаго ва унинг кўшинига ок фотиха берган ва уларни “муккадас” урушга чорлаган. Шу ерда мўғуллар кўшини билан Гетум I ва антиохиялик Боэмундларнинг кўшини бирлашган. Айна сабабдан мўғуллар биринчи бор христианларга берган вадасининг устидан чиқишади. Мўғуллар ва христианлар орасидаги келишувга биноан, Хулаго христианларнинг ҳеч қайси мазҳабларига ва Богдоддаги христианларга тегмаслиги керак бўлган. Хулаго несторианларнинг патриархига кимматбаҳо совгалар тақдим қилган. Шунингдек, унга халифаликнинг энг хашаматли саройларидан бири даргоҳ берилиб, Хулаго уни ўзига маслаҳатчи ва бошқарув кенгаши аъзоси қилиб қўйган. Буларнинг бари христинлар мўғулларни Исо алайхиссаломнинг душманларига, яъни мусулмонларга қарши Худо жўнатган жазо деб билишига сабаб бўлган. Ва буларни ҳаммаси бир неча йиллар аввал мўғуллар христианларнинг ўзларини Европада киргин қилганларига қарамай айтилган. Улар, Европада нималар бўлганини унутишганга ўхшашар эди. Афсуски, бу тарихда содир бўлган ягона воқеа эмас... Андалусиядаги мусулмонларнинг сўнги шаҳри Гранаданинг кулашида ҳам христиан олами шундай байрам қилган эди. Агар ушбу икки воқеа – Богдод ва Гренадани фатҳи – солиштирилса, биз жуда кўп ўхшашликларни кўрамиз. Тарих бу шаҳарларда айнан такрорланган деса ҳам бўлаверади.

Санжар Кобил таржимаси